

МИФ ВА АСОТИРЛАР ЛЕКСИКАСИНИНГ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Пўлатова Сарвиноз Ботир қизи

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

таянч докторанти

Phone: +998950783030

E-Mail: Sarvinoz-yasmina9209@mail.ru

Annotation

This article analyzes the problems encountered during the study of words encountered in myths and legends and their solutions. As a result of large-scale research in modern linguistics, along with the development in this area, there are specific problems. One of them is the problem of mythological lexemes in choosing the right speech option, which is a preparation for situational spontaneity of speech in general.

Key words

myth, legends, mythology, concept, lexemes.

Мифологик тасаввурлар моҳиятини англаш ва уларни илмий шаклда талқин қилишга бўлган илк уринишлар антик давр олимлари ва тилшунослари томонидан амалга оширилган. Шу билан ушбу соҳа ривожланиб, фан сифатида шаклланди, бир қатор самарали ишлар амалга оширилди ва ҳозирги кунда нафақат тилшунослик доирасида балки бошқа соҳаларда ҳам долзарб йўналишлардан бирига айланди.

Шу ўринда миф ва асотирлар лексикасининг турли жиҳатдан ўрганиш борасида юзага келаётган муаммолар хусусида тўхталиб ўтишдан олдин, миф концептига юзланамиз. Унинг таърифи қуйидаги баёнларда ўз ифодасини топади.

«Миф» (юн. mythos — афсона, ривоят, асотир) — муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуи. Инсоният маънавий тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим амалий аҳамият касб этадиган Мифология ибтидоий маданиятнинг негизи, оламнинг идрок этишининг асосий воситаси, бадиий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланган. Мифологиянинг асосини кинот, табиат, инсон, само жисмлари, нарса ва ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар ташкил этади. Мифологиянинг архаик қатлами куёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астрал мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогенетик мифлар, қадимги эътиқодий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва култ мифлардан ташкил топган. Илмий адабиётларда миф атамаси билан бир синонимик қаторда: мифема, мифологизм, мифологик характер каби бирликлар ҳам ишлатилади. Қуйида ушбу бирикмалар хусусида олимларнинг турлича ёндашувлари ва фикрлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

А.П. Бабушкиннинг таъбири билан айтганда, «мифема инсон тасаввурининг махсулоти сифатида талқин этилади». [4,47]

К.Леви-Стросс эса мифларга “атрофдаги мавжуд ҳақиқатга эга бўлмаган ва афсонавий мавжудотларни ифодаловчи бирлик” дея қарайди. [7,23]

О.И.Быкова, О.Н.Ракитина ўзларининг “Мифологема как культурный концепт” номли асарида “Миф билан бир хил муҳим хусусиятларга эга бўлган лексик бирлик сифатида ифодаланадиган ном” эканлигини эътироф этишади. [5,34]

Гувоҳи бўлганимиздек, мифема концепти, асосан инсоннинг тасаввурлари орқали вужудга келган маълум бир тушунчаларга нисбатан қўлланилади ва ҳар бир тилшунос олим ўз нуқтаи назари ва билим доирасидан келиб чиққан тарзда бир лексемани турлича талқин этган, бу эса мифологик лексемаларнинг таъриф ва атама муаммолари юзага келишига сабаб бўлган.

Мифологизм А.А. Юнаковская фикрига кўра «турли мифологик белгиларни ифодаловчи бирликлар бўлиб, қадимги мифологик онгни акс эттирадиган ва замонавий она тили нутқларида ишлатиладиган мифологик ҳаракатларни белгилайдиган иборалар» деб эътироф этилади. [8,11] Англаганимиздек, таърифи келтириладиган бирликлар маълум хусусиятлари орқали фарқланса-да барчаси мифологияга доир тушунчаларни акс эттиради. Гувоҳи бўлганимиздек, миф ва мифологик бирликлар фақатгина тилшуносликнинг эмас, балки бошқа бир қатор фанларнинг ҳам ўрганиш объектидир. Аммо, бошқа соҳаларда мифологик бирликларни таҳлил этиш учун аниқ бир атамани тақдим этиш тилшунослик фани олдида турган вазифадир.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, барча тилшунослар маълум атамани тақдим этишда назариялар ва ўз билимларига асосланишган. Қуйида олимларнинг мифологик бирликлар учун ягона атама сифатида мифологе-ма концептини келтириб ўтганликлари сабаблари ҳақида фикр юритамиз. Рус тилшуноси В.В. Иванов мифоло-гемаларни функциялари, жамоа билан алоқа қилиш табиати, инсон учун долзарблиги даражасига кўра тасниф этган ва ушбу таснифлар қуйидаги баёнларда ўз ифодасини топади:

- Олий Худолар - Перун (Уруш Худоси) ва Велес (Ҳосилдорлик Худоси).
- Мавсумий маросимлар билан боғлиқ Худолар
- Ҳақиқат, тўғрилиқ ва ўлим билан боғлиқ худолар - бу турга кирувчи худолар славянларнинг мифологик ғояларини қадимги қатламини акс эттирувчи номлардир.
- Мифологик эпик қаҳрамонлар
- Афсонавий белгилар –жодугарлик, сеҳргарлик
- Макон билан боғлиқ бўлган мифлар. [6,46]

Ўзида бир қатор хусусиятларни жамлай олганлиги ва кўплаб тушунчалар ўрнида қўлланила олганлиги боис олим ушбу атамани ишлатишни таклиф этган.

Фикр қилиб айтишимиз мумкинки, келтириб ўтилган мифологик лексемалар муаммолари дунё тилшу-нослигида олиб борилаётган кенг қўламли фаолиятлар натижасида ўз ечимини топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Андреев, Ю. В. Поэзия мифа и проза истории / Ю.В. Андреев. Л.: Лениздат,1990. -21 с.
- 2.Апинян Т.А. Мифология: теория и события: Учебник. / Т.А. Апинян. Санкт-Петербург, 2005. -281 с
- 3.Аронов Р.А. Философские и историко-научные мифы об А. Эйнштейне /. А. Аронов // Вопросы фило-софии. 2003. - №4. - С. 77 - 86.
- 4.Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. Воронеж, 1996.
- 5.Быкова О.И., Ракитина О.Н. Мифологема как культурный концепт // II Житниковские чтения. Челя-бинск, 1999. С. 133-140.
- 6.Иванов П.В. Народные рассказы о домовых, леших, водяных и русалках (Материалы для характери-стики мирозерцания крестьянского населения Купянского уезда) // Сборник Харьковского историко-филоло-гического общества. Харьков, 1893. Т.V/1. С. 23-74.
- 7.Леви-Стросс К. Структура мифов И Леви-Стросс К. Структурная антропология. М., 1985. С. 183-207.
- 8.Юнаковская А.А. Типы мифологических единиц в современном городском просторечии // Филологи-ческий ежегодник. Омск, 1998. Вып. 1. С. 44-49.
- 9.Anderson, Albert A. (2004), «Mythos, Logos, and Telos: How to Regain the Love of Wisdom», in Anderson, Albert A.; Hicks, Steven V.; Witkowski, Lech (eds.), Mythos and Logos: How to Regain the Love of Wisdom, Rodopi, ISBN 978-90-420-1020-8
- 10.Bowker, John (2005). «Euhemerism». The Concise Oxford Dictionary of World Religions. Oxford University Press. ISBN 978-0-19-861053-3.
- 11.Downing, Christine (1996). The Goddess: Mythological Images of the Feminine. Continuum.